

336 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا تَرَلْتُ هَذِهِ الْآيَةَ: {وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ

الْأَقْرَبِينَ} [الشعراء : 214] دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُرَيْشًا، فَاجْتَمَعُوا، فَعَمَّ وَحَصَّ وَقَالَ: «يَا بَنِي كَعْبِ بْنِ لُؤَيٍّ، أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ، يَا بَنِي مُرَّةَ بْنِ كَعْبٍ، أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ، يَا بَنِي عَبْدِ مَنَافٍ، أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ، يَا بَنِي هَاشِمٍ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ، يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ، يَا فَاطِمَةُ؛ أَنْقِذِي نَفْسَكَ مِنَ النَّارِ، فَإِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا، غَيْرَ أَنَّ لَكُمْ رَحْمًا سَابَّأَهَا بِبِلَالِهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [204]

قَوْلُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بِبِلَالِهَا» هُوَ بَفَتْحِ الْبَاءِ الثَّانِيَةِ كَسْرِهَا، وَ«الْبِلَالُ» الْمَاءُ.

وَمَعْنَى الْحَدِيثِ: سَأَصْلُهَا، شَبَّهَ قَطِيعَتَهَا بِالْحَرَارَةِ تُطْفَأُ بِالْمَاءِ، وَهَذِهِ تَبَرَّدُ بِالصَّلَةِ.

336. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Яқин қариндошларингни огоҳлантир**»⁽¹⁾ ояти нозил бўлганда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Қурайшни чақирдилар. Улар тўпланишгач, ҳам умумий, ҳам хусусий (хитоб қилиб,) шундай дедилар: «**Эй Каъб ибн Луай, ўзингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Бану Абдуманоф, ўзингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Бану Ҳошим, ўзингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Бану Абдулмутталиб, ўзингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Фотима, ўзингни дўзахдан қутқар, Аллоҳдан келадиган бирор нарсани сизлардан тўса олмайман. Лекин сизлар**

билан қариндошлик ришталарим борки, мен ўша ришта билан сизларни боғлаб тураман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Яширин даъватдан ошкорага ўтиш ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзининг амри ила бўлди. У зот Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги икки оятни нозил қилди:

«Ва яқин қариндошларингни огоҳлантир. Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат».

Ушбу икки ояти карима нозил бўлганидан кейин Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигига чиқиб: «Ў сабоҳоҳ!»-деб қичқирдилар. Одамлар у кишининг ҳузурларига тўпланди. Кимдир ўзи келди. Кимдир одамани юборди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қараб:

«Эй Бани Абдулмуттолиб! Эй Бани Фехр! Эй Бани Луаъй! Айтинглари-чи, агар мен сизга тоғнинг ортида отлиқлар сизларга ғорат қилишга шай бўлиб турибди, десам, ишонасизларми?!» дедилар. Улар:

«Ҳа, ишонамиз!» дедилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен сизларга шиддатли азобдан олдин келган огоҳлантиргувчиман», дедилар.

Шундай қилиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига нозил бўлган оятга мувофиқ яқин қариндошларини огоҳлантира бошладилар. У зот фақат бу билан кифояланиб қолмай, энг яқин кишиларини ҳам огоҳлантирдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади:

«Ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшликларни ҳам умумий, ҳам хусусий равишда даъват қилдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй қурайшликлар, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринглари!»

Эй Бани Каъб жамоаси, ўзингизни дўзах ўтидан қутқазинг!»

Эй Фотима Муҳаммад қизи, ўзингни дўзах ўтидан қутқар! Аллоҳга қасамки, мен сизлардан Аллоҳнинг бирор нарсасини қайтаришга молик эмасман», дедилар».

Ана шундоқ тарзда Исломга очиқчасига даъват қилиш бошланди. Аввалига мушриклар индамай туришди. Исломнинг иши ривожланиб кетаётанини кўрганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши адоват қила бошладилар.

Мушрикларнинг бу душманлигига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толиб тўсиқ бўлди. У ҳамма жойда Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларини олиб, у зотни ҳимоя қила бошлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай қийинчиликларга ҳам қарамай, одамларни Исломга даъват қилишда давом этавердилар. Амакилари Абу Толиб ҳам У зотни ҳимоя қилишда бардавом бўлди.

Иш жиддийлашиб кетгач эса, Қурайш бошлиқларидан бир гуруҳи Абу Толибнинг олдига келдилар ва:

«Эй Абу Толиб, укангнинг ўғли олиҳаларимизни сўқмоқда. Динимизни айбламоқда, ақлимизни паст демоқда ва оталаримизни залолатга кетган демоқда. Сен уни тийиб олгин. Ёки бўлмаса, уни ўзимизга қўйиб бер. Ахир сен ҳам бизнинг динимиз ва ақийдамиздасан», дедилар.

Абу Толиб уларга мулойим гапириб қайтариб юборди. Лекин мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга маҳкам ёпишиб олдилар. У зотни ҳеч тинч қўймадилар. Бир-бирларини у зотга қарши қайрай бошладилар.

Бир муддат ўтиб яна бир гуруҳ қурайшликлар Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устларидан шикоят қилиб Абу Толибнинг олдига келдилар. Улар:

«Эй Абу Толиб! Сен ичимизда ёши улуғимиз, шарафлимиз ва мартабалимизсан. Укангнинг ўғлини тийиб олишингни илтимос қилган эдик, қилмадинг. Аллоҳга қасамки, биз оталаримизнинг сўкилишига, ақлимизнинг паст дейилишига ва солиҳаларимизнинг айбланишига бундан ортиқ сабр қила олмаймиз. Уни тийиб олмасанг, у билан ҳам, сен билан ҳам охиригача олишамиз. Икки томондан бири ҳалок бўлмагунича тек қўймаймиз», дедилар.

Абу Толибга бу гаплар қаттиқ таъсир қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб чақиртириб келди ва:

«Эй жияним! Қавминг олдига келиб, бундоқ, бундоқ, дедилар. Ўзингга ҳам,

менга ҳам раҳм қил. Менга тоқатимдан ташқари ишни юклама», деди. Шунда Расул алайҳиссалом:

«Эй амаки! Аллоҳга қасамки, агар шу ишни тарк қилишим учун қуёшни ўнг томонимга, ойни чап томонимга олиб келиб қўйсалар ҳам, Аллоҳ уни зоҳир қилмагунича ёки унинг йўлида ҳалок бўлгунимча уни тарк қилмайман», дедилар.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам шу гапларни айтиб туриб, йиғлаб юбордилар ва ўринларидан туриб чиқиб кета бошладилар. У зот кетаётганларида Абу Толиб:

«Жияним, бу ёққа кел!» деб қолди.

У зот қайтиб келганларида Абу Толиб:

«Эй жияним! Нимани хоҳласанг гапиравер. Сени ҳеч қачон бировга топшириб қўймайман», деди.

У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз ҳимоясида бўлишларига қатъий қарор қилди. Арабларнинг одатлари бўйича улардан бири бировни ўз ҳимоясида эканини эълон қилса, бошқалари ўша ҳимоядаги одамга тега олмас эдилар. Шу одатга биноан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун Абу Толибнинг ҳимояси жуда қўл келди. У ўзи Исломни қабул қилмаган бўлса ҳам Ислом пайғамбарини ҳимоя қилар эди.

Имом Бухорий ривоятларида қуйидагича келган.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Эй Пайғамбар, қавмингизни энг яқин кишиларингиздан бошлаб огоҳлантиринг” деган оят нозил бўлгач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафо тоғига чиқиб: “Эй Бани Феҳр, эй Бани Адий!” деб нидо қилдилар. Бу иккиси Қурайшнинг энг катта уруғларидан эди. Улар йиғилиб келишди. Ҳатто келолмаган киши ўзининг ўрнига бошқа бир кишини юборди. Абу Лаҳаб ҳам келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар сизларга: “Водийда отлиқлар турибди, улар сизларга ҳамла қилмоқчи”, десам менга ишонасизларми?” дедилар. Улар: “Ҳа, сенинг ёлғон гапирганингни билмаймиз”, дейишди. Шунда у зот: “Мен сизларни (қиёматдаги) каттиқ азобдан огоҳ этаман”, дедилар. Абу Лаҳаб: “Қуриб кетгур, бизни шу нарса учун чақирганмидинг?” деди. Шундан сўнг ушбу сура нозил бўлди:

“Абу Лаҳабнинг қўллари қуриб, ҳалок бўлсин. Дарҳақиқат, ҳалок бўлди ҳам. Унга мол-дунёси ҳам асқатмади” (Масад сураси, -1-2-оятлар)

(Имом Бухорий ривояти).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ошкора даъватларини ўзларига яқин бўлган қавмларидан бошлашлари табиий ҳолдир. Зеро, Макка қабилачилик руҳи чуқур илдиз отган шаҳар эди. Даъватни яқинлардан бошлаганда даъват учун ёрдамчилар ва ҳимоячилар чиқиши эҳтимоли кўпроқ бўлади. Қолаверса, Маккада даъват қилишнинг ўзига хос таъсири ҳам бор. Яъни бу шаҳар қадим-қадимдан диний марказ бўлиб келган. Энди уни Ислом марказига айлантирилса, барча қабилаларга таъсирини ўтказмай қўймасди, албатта. Бинобарин, Ислом Қуръони карим таълимотига кўра оламий рисолатни амалга ошириш учун даъватдаги биринчи қадамни Қурайшдан бошлаши бежиз эмас.

Дарҳақиқат, Маккада нозил бўлган оятлар даъватнинг оламшумул эканини баён қилди:

“Бутун оламга огоҳлантирувчи қилиб Қуръонни бандасига (Муҳаммад алайҳиссаломга) нозил қилган Зот баракоти улкан ва улуғдир” (Фурқон сураси, 1-оят).

“Эй Пайғамбар, Биз сизни бутун инсониятга раҳмат қилибгина юбордик” (Анбиё сураси, 107-оят).

“Эй Пайғамбар, Биз сизни бутун инсониятга хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи элчи қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар (ҳақни) билмайдилар” (Сабаъ сураси, 28-оят).

^[1] Шуаро сураси, 214-оят.

Манба: hadis.islom.uz



